

ШАРТНОМА № 05

“18” январь 2022 ийл

Андижон вилояти

“ОКСИГЕН” хусусий корхонаси(кейинги уринларда «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбар **М.М.Иминов** номидан бир томондан ва **РУССЧИ АД** (кейинги уринларда «Ташкилот» деб юритилади) номидан низом асосида иш олиб борувчи раҳбар **Эмчилов** иккинчи томондан Ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Таъминотчи Ушбу шартномада келишилган маҳсулотларини келишилган муддатларда Ташкилотга етказиб бериш, Ташкилот эса маҳсулотларни кабул килиб олишни ва пулини тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Маҳсулот нархи, микдори, сифати ва баҳоси, ушбу шартноманинг ажралмас кисми хисобланган, 1-иловага асосан аникланади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий суммаси
1	КИСЛОРОД Гази	дона 15	500	40 000	20000000
	ЖАМИ:				200000000

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ

2.1. Сотувчи буюртмани факатгина Ташкилот буюртмасини олгандан сунг амалга оширади. Сотувчи маҳсулотни Ташкилот буюртмасини олганидан сунг 90 кун муддат ичидан, буюртмада белгиланган хажмда амалга оширади.

2.2. Маҳсулотлар эркин танлов савдоси баенномаси буйича тегишли Сотувчига бириклирлган муассасага Сотувчи хисобидан етказиб берилади.

2.3. Ташкилотнинг омборига маҳсулотларнинг етказиб берилган вакти маҳсулот етказиб берилган вакти булиб хисобланади.

2.4. Маҳсулот Ташкилотнинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сунг, маҳсулотга эгалик хукуки Ташкилотга утади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Ташкилот маҳсулот етказиб берилиши белгиланган вактга кадар 10 кун муддат ичидан Сотувчига маҳсулот учун буюртмани куйидагиларни курсатган холда тақдим этади:

етказиб берилиши керак булган маҳсулот микдори;
маҳсулот сифати;
маҳсулот ассортименти.

3.3. Сотувчи томонидан маҳсулотлар етказиб берилмай колганда, етказиб берилмаган микдордаги маҳсулотни, 3 кун муддат ичидан еки Ташкилот билан келишилган холда, шартнома амал килиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кузда тутилган маҳсулотларга кушиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4. Сотувчи томонидан етказиб бериш муддатлари утказиб юборилган маҳсулотларни Ташкилот уни огохлантирган холда кабул кильмаслик хукукига эга.

3.5. Сотувчи томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида Ташкилот куйидаги табалабларни куйиш хукукига эга:

харид нархларни (етказиб берилган сифатсиз маҳсулотлар киймати билан сифатли маҳсулотлар киймати уртасидаги фаркига) камайтириш;
сифатсиз маҳсулотларни Сотувчи хисобидан сифатли маҳсулотларга 3 кун муддатда алмаштириб бериш;
сифатсиз маҳсулотларни, Ташкилот томонидан уз маблаглари эвазига, яроклисини ажратишига, уни тозалашга ва маҳсулотни ярокли холга келтириш учун бошка харажатларни тулаш.

3.6. Агар Сотувчи Ушбу шартномада белгиланган микдордаги маҳсулотни етказиб бермаса еки Ташкилотнинг сифатсиз маҳсулотларни алмаштириб бериш хакидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса, Ташкилот шартномани бекор килиш хукукига эга.

4. МАҲСУЛОТЛАР БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Етказиб бериладиган маҳсулотлар баҳоси Ташкилот еки унинг юкори ташкилоти томонидан утказилган танлов (тендер) савдосига тақдим этилган таклифларда курсатилган баҳолардан хамда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан асосий автомобилларга эхтиёт кисмлар турлари учун тавсия этиладиган нархлардан ошиб кетмаслиги шарт.

4.2. Нархлардаги хар кандай узгаришлар, шу жумладан бозор нархларининг узгариши, хом-аше ва материаллар нархларидағи узгаришлар, конун хужжатларида белгиланган энг кам иш хаки микдорининг узгариши еки бошқалар сабабли маҳсулот баҳосининг узгариши, тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбу түгрисида шартномага күшимча келишув тузилади.

4.3. Ташкилот олинадиган маҳсулотлар учун шартнома Газначилиқдан рўйхатдан ўтгандан сўнг, ойлик ажратилгандан маблаглар доирасида шартноманинг ойлик тўлов жадвали асосида

30 фоизи (6000000) микдорида олдиндан (аванс) тарикасида Таминотчининг хисоб ракамига утказиб беради. Колган охирги 70 фоизи (14000000) маблагни Таъминотчи томонидан етказиб берилган хисоб варак фактуралари асосида 30 банк иш кунида утказиб беради.

4.4. Ташкилот маҳсулот учун туловнинг колган кисмини бюджетдан ажратилган маблаглар доирасида хамда тегишли Газначилик органларида рўйхатдан ўтказилган шартноманинг тўлов жадвали асосида, маҳсулот олингандан сунг 90 кун ичидага оширади.

4.5. Олингандан маҳсулотлар учун туловлар Ташкилот томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.6. Шартнома умумий киймати 2000000 (Чигурич миллион) сўмни ташкилот килиади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Таъминотчи етказиб бериладиган маҳсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2. Ташкилот сифат ва яроклилик сертификатлари булмаган маҳсулотларни кабул килмайди.

6. МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ

6.1. Маҳсулотни кабул килишда Ташкилот уни микдори, сифати, ассортименти ва руйхатини Таъминотчи томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдиқловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2. Маҳсулотни кабул килиш якуни буйича Ташкилот кабул килиш килиш далолатномаси тузади. Ташкилот томонидан Далолатноманинг имзоланиши кабул килинаетган маҳсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафларнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташкири пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин булмаган холатлар (бунга ер кимирлаши, сув тошкнилари, ёнгин ва табиий оғатлар ва бошка кузда тутилмаган холатлар) оқибатида бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

7.2. Шартнома бузилиб узаро келтилмаган тақдирда Узбекистон Республикаси конунлари асосида туманлар аро иктисадий суди оркали хал килинади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Таъминотчи маҳсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни маҳсулот етказиб бериш муддатларини кечикириб юборса, тулик етказиб бермаса, кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди. Лекин, туланадиган пеня умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

8.2. Таъминотчи томонидан жунатилган маҳсулотларга оид тулов ва маҳсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошка хужжатлар уз вактида, яъни маҳсулот билан бирга Ташкилотга тақдим этилмаса, хар бир холат учун етказиб берилаетган маҳсулот кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

8.3. Таъминотчи томонидан маҳсулотлар уз вактида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда Ташкилот уларни асосиз равишда кабул килмаса, кабул килинмаган маҳсулотнинг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган маҳсулотлар буйича эса 10 фоизи микдорида жарима тулайди.

8.4. Етказиб берилган маҳсулотлар учун Ташкилот томонидан уз вактида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу шартноманинг 4.4-булими бузилганда, тулов кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пенялар умумий суммаси Кечикирилган тулов суммасининг 50 фоизи микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, узгартариш ва бекор килиш вактида келиб чикадиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибида куриб чикилади.

10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартнома Газначилик руйхатидан утгандан сунг куяга киради ва «31» Декабр 2022 йилгача амал киласди.

10.2. Шартномага узгартаришлар ва кушимчалар тарафларнинг келишувига асосан езма равишида амалга оширилади ва имзоланади.

ТАЪМИНОТЧИ

“ОКСИГЕН” хусусий корхонаси

Андижон вилояти Асака шахар

Иттифок кучаси 27 - ўй

Хисоб/ракам 20208000004088988001

МФО: 00893 ИНН: 203432887

ОКОНХ: 13116



Рахбар:

М.М.Иминов.

ТАШКИЛОТ

РУСТЕЙМ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ

Анд.ш. Пушкин к. 58. Тел/Факс 228-29-00

ИНН: 200237030 ОКОНХ: 91511

ШХВ: 100021860034017073102054001

Узб. Респ. Молия Вазирлиги Газначилиги

ХР: 23402000300100001010 МФО: 00014

МБББ ХКМ Тошкент шахар ИНН: 201122919



Рахбар:

Юлайхон Рахимов